

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қашқадарё вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи**

_____ **Б.Махмадалиев**

2021 йил “__” апрель

**Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси бош юрисконсульты
лавозим йўриқномаси**

I. Умумий қисм

Бош юрисконсульт Бошқарма бошлиғи ҳамда методик жиҳатдан Давлат статистика қўмитаси юридик бўлими бошлиғига бўйсунади ва белгиланган тартибда (ҳудудий адлия бошқармаси билан келишган ҳолда) лавозимга тасдиқланади ва озод этилади.

Бош юрисконсульт ўз иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласиди.

II. Бош юрисконсульт вазифа ва функциялари

Бош юрисконсультнинг вазифа ва функциялари:

Бошқарманинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

Бошқарма томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

Бошқарманинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида Бошқарманинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

Бошқарма ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказища иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

1. Бош юрисконсульт фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Бошқарманинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) Бошқарма, шунингдек тегишли бўлимларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) Бошқарма раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича

эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга Бошқарманинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган Бошқарманинг қарорлари юзасидан хulosалар беради;

г) мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда Бошқарманинг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа хужжатларини ишлаб чиқиши, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) Бошқармада, шунингдек тегишли бўлимларда хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қиласиди ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) Бошқарманинг бошқа тузилмалари билан биргаликда бошқарма, тегишли бўлимлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишида иштирок этади;

ж) Бошқармада бошқарув тизимини такомиллаштириш, Бошқарма бўлимлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

з) Бошқармада меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи хуқуқий хужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишида иштирок этади, ушбу хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва хуқуқий хulosha беради;

и) Бошқарма бошлиғига қўмита фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисбот тақдим этади;

к) Бошқарма ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишида юридик ёрдам кўрсатади;

2) Бошқарма томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек қўмитанинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:

а) Бошқарманинг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишида иштирок этади;

б) Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишида иштирок этади;

в) Бошқарманинг идоравий норматив-хуқуқий хужжатларини ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

г) экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда хуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хуқуқий хulosalар тайёрлайди;

д) норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга Бошқарманинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) тизимли равища Бошқарманинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказади;

ж) Бошқармага келиб тушган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

з) Бошқарманинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа хуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, Бошқарма раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

и) Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

3) Бошқарма ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун – моҳияти ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) Бошқарма раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) Бошқарма ва унинг бўлимлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказиша иштирок этади;

в) Бошқарма фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

г) зудлик билан Бошқарма ахборот хизматига қўмита веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

д) Бошқарма ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга қўмита фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга қўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

е) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини Бошқарма ва унинг бўлимларига етказади;

4) шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда бошқарма томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза кўяди. Бунда лойиҳаларга бошқарманинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза кўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) Бошқарма томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади;

д) Бошқарманинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва бошқармага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқиша иштирок этади,

кўмитада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиши тартибига риоя этилишини назорат қиласи;

е) тегишли тузилмалар билан биргаликда Бошқарманинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) Бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳукуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

и) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳукуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда Бошқармада мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қиласи ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳукуқий хulosалар беради.

Бошқарманинг бош юрисконсультти қонун ҳужжатларига мувофик бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

12. Бош юрисконсультга ушбу лавозим йўриқномаси ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

III. Бош юрисконсультининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Бош юрисконсульт қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга:

Бошқармага келиб тушаётган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

Бошқарма ва унинг бўлимларининг мансабдор шахсларидан бош юрисконсультга юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган ҳукуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳукуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътиrozларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳукуқий хulosалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташабbusи билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

Бошқарма ва унинг бўлимларида бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

Бошқарма ва унинг бўлимларнинг қонун хужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бошқарма ва унинг бўлимларида ёки бошқарма томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якунлари бўйича хужжатларни кўриб чиқишида иштирок этиш ҳамда аниқланган хукуқбузарликлар юзасидан хукуқий хulosалар бериш;

талабнома-даъво тартибида бошқарма фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Бош юрисконсульт қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ушбу йўриқнома ва бошқа қонун хужжатлари билан юқланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

Бошқарма ва унинг бўлимларида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга, Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига ва бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Бош юрисконсульт қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV Бош юрисконсультининг жавобгарлиги

Бош юрисконсульт ўзи виза қўйган хужжатларнинг ва ўзи берган хulosаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

Бош юрисконсульт ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Йўриқнома билан танишдим: _____ М.Г.Шарипов

2021 йил “____” апрель

«Тасдиқлайман»
Кашкадарё вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Б.Махмадалиев

**Янгидан қабул қилинган айрим қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини
тарғиб қилиш ҳамда тушинтирилиши ҳақида йиғилиш
БАЁНИ.**

11 июнь 2021 йил

№

Карши ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сон қарорида белгиланган вазифаларни Давлат статистика тизимида ижросини таъминлаш бўйича № 01/1-01-26-29-сонли амалий чора-тадбирлар режаси ижроси тўғрисида

1. Биринчи масала юзасидан Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари С.Сафаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб семинар машғулотини очиб берди.

2. Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣй базаси хуқуқий ахборот излаш тизими (www.Lex.uz)га киритилган норматив-хуқукий хужжатлар тўғрисидаги Кўмита локал тармоғи (!!Edm!19.юридическая служба)га жойлаштирилган ахборотларни олиш ва Кашкадарё вилояти статистика бошқармасининг локал тармоғига жойлаштириш ҳамда матбуотда эълон қилинган қонунларни доимий ўрганишни ташкил этиш бўйича масъул ходимининг янги қабул қилинган норматив-хуқукий хужжатлар ҳақида қисқача маълумоти тингланди.

3.Бошқарма бош юрисконсульти томонидан “Норматив-хуқукий хужжатлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-хуқукий хужжатларининг турлари ва ўзаро нисбати, норматив-хуқукий хужжатларни тайёрлаш тартибига ҳамда уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ва ижросини ташкил этишни таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, эълон қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

Норматив-хуқукий хужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат қўрсатмалари сифатида хуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий хужжатдир. Норматив-хуқукий хужжатлар қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқукий хужжатлар қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслардир (бундан бўён матнда норматив-хуқукий хужжатлар қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органлар деб юритилади).

Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда ўтказиладиган референдум йўли билан норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат: конституциявийлик; қонунийлик; жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги; ошкоралик; илмийлик; ижтимоий муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги; ижтимоий муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлиги таъминлашдан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 27-апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-687-сонли қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди (бундан буён матнда Конституциявий суд деб юритилади) доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Конституциявий суднинг ваколатларига қўйидагилар киради.

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, хукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлашаро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига** мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига** мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси **Конституциясигининг** Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига**, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси** ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига** мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

6) конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд конституциявий хуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига** мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси** ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни ҳам кўради.

Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

Булардан ташқари, 2021 йил 22-апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳаридлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684-сонли қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра қўйидагилар иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида ва бошқа давлат дастурларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига;

давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини юритиш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига;

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари хисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, халқаро ташкилотларнинг, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган чет эл кредитларини ва чет эл грантларини, техник кўмакни ва бошқа ташқи беғараз кўмакни тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасига бериладиган чет эл кредитлари хисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига. Бунда донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар томонидан, белгиланган тартиб-таомилларда ёки Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган чет эл грантларини, техник кўмакни ва бошқа ташқи беғараз кўмакни тақдим этиш шартларида белгиланган тартиб-таомиллардан қатъи назар, давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборот маҳсус ахборот порталида эълон қилинади;

агар молиявий, гуманитар ёки хайрия ёрдамини тақдим этиш ҳамда бошқа беғараз, қайтарилмайдиган тарзда молиялаштириш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, молиявий, гуманитар ёки хайрия ёрдами хисобидан ҳамда бошқа беғараз, қайтарилмайдиган тарзда молиялаштириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади. Бунда молиявий, гуманитар ёки хайрия кўмакни ҳамда бошқа беғараз қайтарилмайдиган молиялаштиришни тақдим этиш шартларида белгиланган тартиб-таомиллардан қатъи назар, давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборот маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

Қонун ҳужжатлари талабларида қатъий риоя этишлари ва содир этилиши мумкин бўлган қонунбузилиши ҳолатларини олдини олиш борасида доимий равища маҳсус семинарлар, давра сухбатлари ва тушунтириш ишларини давом эттириш ҳамда худудий органлар фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилиб, бу борада назорат ишларини янада кучайтириш бўйича тегишли вазифалар белгиланди. Қабул қилинаётган ўрганишни чуқурлаштириш, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятини кенг кенг тарғиб қилиш ва тизимли равища тарғибот ташвиқот ишлари олиб борилиши белгиланди.

Ходимлар томонидан қайд этилган қонунларга риоя қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ушбу қонунларнинг амал қилиши бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожат қилишлари мумкинлиги тушунтирилди.

Семинар якунида Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш бўйича якуний фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Тарғибот тадбирида кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилган ва матбуотда эълон қилинган янгидан қабул қилинаётган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар бошқарма локал тармоғидан олинганилиги маълумот учун вилоят статистика бошкармаси томонидан қабул қилинсин.

2. Кашкадарё вилояти статистика бошқармаси ходимлари томонидан бошкарма локал тармоғига жойлаштирилған норматив-хұқуқий ҳужжатлар ва матбуетда эълон қилингандын қонунлар құшымча равищда индивидуал тарзда ўрганиш вазифаси юклансин.

3. Ходимлар ўртасида ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилған вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, холислик, беғаразлық тамойилларига риоя қилиш, ҳар қандай қўринишдаги сансолорлик, таъмагирлик ва бошқа салбий ҳолатларга чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирларни ҳамда тушунтириш ишларини кучайтиrsинлар;

Баёнлаштириди:

М.Шарипов

«Тасдиқлайман»
Кашкадарё вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Б.Махмадалиев

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг кўрсатма хатини ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ҳамда тушунтирилиши ҳақида семинар машғулоти
БАЁНИ.**

11 июнь 2021 йил

№

Карши ш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021-йил 10-июнъ қунидаги 01/1-23-12/3-55- сон кўрсатма хатини ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида

1. Семинарда Бошқарма бошлиғи Б.Махмадалиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021-йил 10-июнъ қунидаги 01/1-23-12/3-55- сон кўрсатма хатини мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони ва коррупцияга қарши курашиш ва давлат дастури бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар тўғрисида ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, семенарни очиб берди.

2. Бошқарманинг бошюристконсультанти М.Шарипов сўз чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси тўғрисида” ги Қонуннинг 6-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215-моддасида Статистика органлари ўз ваколатлари доирасида давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланганлиги, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 267-моддасига асосан, статистика органлари, ушбу кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидир деб белгилаб қўйилганлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, у ўз сўзида мазкур Кодекснинг 245-моддаси 3-қисмида Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан содир

этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг жиноий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Юқоридаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, худудий статистика органларида давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллашнинг қуидаги тартиби белгиланган.

-Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан давлат улуши бўлган тарбиркорлик субъектлари) нинг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа масъул шахслари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича:

-Давлат статистика ҳисобот (лар)ини ўз муддатида тақдим этмаган ёки ҳисобот (лар) да хато ва камчиликларга йўл қўйган тадбиркорлик субъектига почта орқали 1-иловада келтирилган намунавий шаклдаги огоҳлантириш хати (зарур холларда буюртма хат билан) юборилади.

Огоҳлантириш хатида кўратилган муддатда (30 календар куни) Давлат статистика ҳисобот (лар)ини тақдим этилмаган ёки аниқланган хато ва камчиликлар бартараф этилган ҳолда тўғриланган давлат статистика ҳисоботлари статистика органларига тақдим этилмаган ҳолатларда, огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат тугагандан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмасдан тегишли тадбиркорлик субъектига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ишларни кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Судларга Ахборот тизими орқали электрон шаклдаги ариза тақдим этилади.

Бунда, аризада тегишли тадбиркорлик субъектига нисбатан:

- Агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг бир йил давомида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги аниқланмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси биринчи қисми билан;

- Агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг бир йил давомида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги аниқланса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси иккинчи қисми билан маъмурий иш қўзгатилиши сўралади.

Ахборот тизими орқали ариза тақдим қилишда унга қуидагилар илова қилинади:

- Тадбиркорлик субъектига юборилган огоҳлантириш хати нусхаси;
- Тадбиркорлик субъектининг тушунтириш хати (*тушунтириши хати тақдим қилинмаган тақдирда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 267-моддасида белгиланган статистика органлари раҳбарлари томонидан тузилган далолатнома*).

1.1. Ҳудудий статистика органлари томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича жиноят судларига тақдим этилган аризалар ва огоҳлантирилган субъектлар реестри (Реестр юритилади ва доимий равища)

янгилаб борилади.

Огоҳлантириш муддати (30 календар куни) ичида давлат статистика хисобот(лар)и тақдим этилган ёки аниқланган хато ва камчиликлар бартараф этилган ҳолда, тўғриланган давлат статистика ҳисоботлари статистика органларига тақдим этилган ҳолатларда, тегишли тадбиркорлик субъектига нисбатан маъмурий чора қўлланилмайди.

Шунингдек, Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида: коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

Ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

Ходимлар томонидан қайд этилган кўрсатма ва қонунларга ҳамда Фармон талабларига риоя қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ушбу қонунларнинг амал қилиши бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожат қилишдилар ва улар томонидан берилган саволларга жавоблар берилиб, батафсил тушунтирилди.

Тарғибот тадбирида кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021-йил 10-июнъ қунидаги 01/1-23-12/3-55- сон қўрсатма хати вилоят статистика бошкармаси ҳамда туман шаҳар бўлимлари томонидан ижро этиш учун қабул қилинсин,

2. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони мазмун-моҳияти мунтазам равишда бошкарманинг барча ходимларига ҳамда туман ва шаҳар худудий бўлимларига қайд этилган Фармон талабларга қаътий риоя қилиш вазифаси юклансин.

3. Ходимлар ўртасида ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, холислик, бегаразлик тамойилларига риоя қилиш, ҳар қандай кўринишдаги сансолорлик, таъмагирлик ва бошқа салбий ҳолатларга чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирларни ҳамда тушунтириш ишларини кучайтирсингар;

Баёнлаштириди:

М.Шарипов